



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ҒОЯСИ ҲАЁТИЙ ВОҚЕЛИККА АЙЛАНМОҚДА

“Глобал аҳамиятга эга ташаббусларимиз жаҳон ҳамжамияти томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Халқаро майдонда Ўзбекистоннинг рақобатбардош мамлакат, ишончли ҳамкор сифатидаги обрў-эътибори юксалиб бормоқда. Ҳеч шубҳасиз, буларнинг барчаси диёримиздаги барқарорлик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик натижасидир”.

Президентимиз Ўзбекистон халқига Янги йил табригида 2024 йил якунларини шундай эътироф этди. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари қўмитаси аъзоси Акмал САИДОВ билан ўтган йил сарҳисоби ҳақида суҳбатлашдик.

Адолат ва қонун устувор



— Ҳақиқатан, жаҳондаги мураккаб вазиятга қарамай, 2024 йил мамлакатимиз учун кутли ва баракали бўлди, — дейди А.Саидов. — Шу маънода, ўтган йил халқимизнинг фидокорона меҳнати, сиёсий-ижтимоий фаоллиги билан янги Ўзбекистон ғоясини реал воқеликка айлантириш ва янги таҳрирдаги Конституциямизни ҳаётга таъбиқ этишнинг ҳал этувчи даври сифатида тарихга муҳрланди.

Ўтган йилда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги миллий

қонунчилик ва ҳуқуқий амалиёт тақомиллаштирилди. Жамиятда инсон ҳуқуқлари маданиятини қарор топтириш бўйича кенг кўламли ишлар бажарилди.

— “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури доирасида қандай ишлар бажарилди?

— Аввало, давлат дастурида ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун муносиб шароит яратишга қаратилган чора-тадбирлар белгиланди. Бу, ўз навбатида, мамлакатимизда ёшларга эътиборни тубдан кучайтириш ҳамда катта қисмини шижоатли ёшлар ташкил этадиган тадбиркорлар тоифасини қўллаб-қувватлаш бўйича ишлар кўламини янада кенгайтириш имконини берди.

Шу билан бирга, “Ўзбекистон — 2030” стратегияси ижроси инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашда катта аҳамият касб этди. Стратегия тадбирлари БМТнинг 2030 йилгача Барқарор ривожланиш мақсадларининг “Ҳеч кимни ортда қолдирмаслик” тамойилига ҳамоҳанг амалга оширилди.

► Давоми 3-бетда

Тараққиёт одимлари



ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ БУГУНГИ ИСЛОҲОТЛАР МАМЛАКАТ РАВНАҚИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Янги Ўзбекистонда маърифатли жамият барпо этиш асосий мақсад этиб белгиланган. Айнан шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбари ўтган йил якунида таълим тизимида қилинган ишлар ва истиқболдаги вазифалар тақдиротига эътибор қаратди. Қолаверса, Янги Тошкент ҳудудидаги маърифат масканлари — Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Тошкент давлат педагогика университети ҳамда “Янги Ўзбекистон” университети учун бунёд этилаётган замонавий мажмуаларнинг дастлабки қурилиш жараёни билан танишди. Қисқаси, 2024 йил адоғи илм-маърифат ғояларига уйғун ҳолда янги йилга уланиб кетди.

Ўтган бир йилда юртимизда кўп қабатли соҳалар қатори таълим тизимида ҳам эътирофга лойиқ, тарихий воқеа дейишга аризилик ўзгаришлар, юксалишлар бўлди. Биргина мисол: Абдулла Авлоний номидаги салкам юз йиллик тарихга эга малака ошириш институтида замонавий бинолар қад ростлади ҳамда шарт-шароити бутунлай яхшиланди, муассаса педагогик маҳорат миллий институти сифатида қайта ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбари Ўқитувчи ва мураббийлар куни арафасида ушбу маърифат масканида соҳа фидойилари билан учрашиб, байрам билан табриқлади. Самимий мулоқот қилиб, педагогларга давлат мукофотларини шахсан ўзи топширди.

Ушбу тадбирда давлатимиз раҳбари таълим сифатини ошириш мақсадида етти йўналишда аниқ вазифаларни белгилаб берди. Бу вазифалар педагоглар

малакасини ва моддий манфаатдорлигини ошириш, янги боғча ва мактаблар қуриш, соҳани тўлиқ рақамлаштириш, Президент мактаблари ва ихтисослаштирилган ўқув муассасалари тарбиясини оммалаштириш, иқтидорли ёшларни саралаш, ўқувчилар тарбияси ва одоб-ахлоқига ҳар қачонгидан кўра кўпроқ эътибор қаратиш каби долзарб масалаларни қамраб олган.

Шунингдек, мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, олий таълим ва малака ошириш тизими узвийлигини таъминлаб, педагогик таълим кластерлари ташкил этиш муҳимлиги ҳам таъкидланди. “Йил ўқитувчиси” танлови ўтказилиб, 208 та туман ва шаҳардан голиб бўлган ўқитувчиларга Президент совғаси сифатида уй-жой берилиши эълон қилинди.

► Давоми 2-бетда

Ислоҳотлар самараси

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ — ИНСОНГА ЭЪТИБОРНИНГ ОЛИЙ НАМУНАСИ

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, инсонга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш мамлакатимиз тараққиёт стратегиясининг асосий йўналишига айлангани янги Ўзбекистонни инсонпарвар ва ижтимоий давлат сифатида дунёга олиб чиқди. Бу ижтимоий ҳимоя соҳасига мамлакат бюджетидан ажратиладиган маблағ миқдорини ошириш ва қўшимча ресурсларни жалб қилиш, ижтимоий ҳимоя дастурлари қамровини кенгайтириш ва оилаларни оғир ҳаётли ҳолатлардан олиб чиқишга қаратилган қўшимча механизмларни жорий этиш йўналишидаги изчил

ислоҳотларнинг амалий натижасини яққол ифода қилади. “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгиланган мақсадлар бугун ижтимоий ҳимоя соҳасида ҳар бир муҳтож инсон баҳраманд бўла оладиган ҳаётини пойдевор яратди. Аҳолининг ижтимоий ҳимоя олиш ҳуқуқларини таъминлаш, давлат ижтимоий ёрдами ва хизматларини кўрсатишда самарали механизмлар ишга тушди.

► Давоми 5-бетда



ҲУДУДЛАРНИ ОБОД ҚИЛАЁТГАН ҲАРАКАТ

Бугун дунё экологик инқироз ёқасида турибди, десак муболага бўлмайди. Инсониятнинг она табиатга шафқатсизларча муносабати табиий тизимнинг издан чиқишига замин яратди. Мамлакатлар халқаро анжуманларда экологик инқирозларни бартараф этиш чорасини изламоқда. Шу боис, Ўзбекистон ҳам бугун иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатишга жадал киришган.

“Яшил қалқон” лар кўпайсин

Аслида, бугун биз юзлашаётган муаммолар салкам 130 йил аввал дунё олимлари томонидан башорат қилинган. Ҳар куни атмосферага кўтарилган

карбонат ангидрид концентрацияси кўлами ошиб бораётгани инсон омилли билан боғлиқ. Иссиқхона газлари тарқалиши тўхтатилмас, сайёранинг ўртача ҳарорати кескин ошиши, бу эса қуруқликнинг катта қисмини яроқсиз ҳолга келтириб қўйиши мумкин. Келажақда мана шундай хатарларнинг олдини олиш

► Давоми 4-бетда

14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

ЖАСОРАТ МАКТАБЛАРИ Ҳар биримиз садоқатли бўлишимиз, ёшларни ҳам шу руҳда камол топтиришимиз зарур

Мамлакатимиз ёшларини ҳарбий-ватанпарварлик, юксак ахлоқий қадриятлар руҳида тарбиялаш, улар онгига тинчликдек олий неъматнинг қадрини сингдириш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Албатта, юрт келажаги билимли, шижоатли, қатъий, мақсадни аниқ қўйиб, шу асосда ҳаракат қилаётган ёшлар кўлида. Шу маънода, келажақ эгаларининг баркамол бўлиб вояга етиши, илму фан, замонавий техника ва технологияларни пухта эгаллаши, давр талаблари асосида таълим ва тарбия олиши, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши учун етарлича шароит муҳайё этиляпти.



► Давоми 2-бетда

Тараққиёт одимлари

ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ БУГУНГИ ИСЛОХОТЛАР

МАМЛАКАТ РАВНАҚИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ



Хилола УМАРОВА, мактабгача ва мактаб таълими вазири

Бошланиш 1-бетда

Президентимиз алоҳида қайд этган вазифалар ижросига дарҳол қирилган...

Педагоглар билими ва маҳоратини ҳолис баҳолаш ҳамда уларни малака оширишга йўналтириш мақсадида вазирлигимиз томонидан...

Хар икки аттестацияда қатнашган 35 минг педагог ижобий натижага эришди...

учун ўтган йилдаги яхши янгилеклардан, аниқроғи, имкониятлардан биридир.

Ўқитиш тизимида баҳо ўқувчиларнинг таълимий мақсадларга эришиш даражасини аниқлаш ҳамда натижаларни таҳлил қилиш имконини беради.

Давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 21 июндаги "Мактабгача ва мактаб таълими ташкилотлари ходимларини узлуксиз касбий ривожлантириш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан, Президент таълим муассасалари ва ихтисослаштирилган мактабларда ўқувчиларнинг танқидий фикрлаш,

қилинди ҳамда бу ўқув йилидаги кўрсаткичлар билан солиштирилди. Ўтган ўқув йили натижаларига кўра ўқувчиларимиз ўзлаштириши ўртача 49,2 фоизни ташкил этган бўлса, бу ўқув йилида 55,3 фоизга етган.

Янги баҳолаш тизимига ўтиш нафақат таълим сифатиغا таъсир кўрсатади, балки ўқитувчиларимизнинг ойлик маошига қўшимча устама берилишига ҳам асос бўлади.

Ўзбекистон — 2030" стратегиясида таълим ташкилотларига ҳар йили "тил эгаси" бўлган хорижийлик 500 мутахассисни олиб келиш вазифаси белгиланган.



ахборотни излаш ва таҳлил қилиш, олинган билимларни амалиётда қўллашга ўргатиш бўйича тўлланган илғор тажрибани умумий ўрта таълим муассасаларига кенг татбиқ этиш белгиланган.

Таҳсилларга кўра, янги баҳолаш тизими ўқувчиларнинг ўзлаштириши яхшиланганига ҳамда янги баҳолаш тизими жорий қилинган 500 та умумтаълим мактабида 4 та фан бўйича биринчи чорак натижалари таҳлил

Халқор тажрибадан келиб чиқиб, бизда ҳам мазкур лойиҳа доирасида белгиланган ишлар изчил давом эттирилляпти.

Таҳсилларга кўра, янги баҳолаш тизими ўқувчиларнинг ўзлаштириши яхшиланганига ҳамда янги баҳолаш тизими жорий қилинган 500 та умумтаълим мактабида 4 та фан бўйича биринчи чорак натижалари таҳлил



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ХАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



"Тил эгалари" бир ҳафтада 20 соатлик дарс билан бирга уч марта қўшимча тўғрақ машғулоти ўтади ҳамда маҳаллий ўқитувчиларимиз учун тренинглари ташкил этади.

Ўтган йилларда хорижий тилни билиш даражаси сезиларли ўсди. Хусусан, тил билиш сертификати эга ўқувчилар сони 2024 йилда 37 минг 74 нафарни (август ҳолатига кўра) ташкил этиб, бу кўрсаткич 2021 йилга (10 минг 960 нафар) нисбатан 3,3 карра ошган.

Хар бир туман (шаҳар)да биттадан умумий ўрта таълим муассасасида ўқувчиларга иккита хорижий тил ва битта касб-ҳунар ўргатиш амалиётини босқичма-босқич йўлга қўйиш учун 2023/2024 ўқув йилида қатор ишлар бажарилди.

Ўтган йили мактабгача ва мактаб таълими тизими билан бевосита боғлиқ 2 та қонун, 4 та фармон, 9 та қарор ва 18 та ҳукумат ҳужжати имзоланиб, ижрога йўналтирилди.

Мактаблардаги муҳит, аввало, директорларнинг салоҳиятига боғлиқ. Шунинг учун директорларни лавозимга тайинлашнинг янги шартлари тизими йўлга қўйилди.

2024 йилда 4600 та янги боғча ташкил этилиб, қўшимча 170 мингдан ортиқ бола ўрни очилди ҳамда болаларни мактабгача таълимга қамров даражаси 76 фоизга етказилди.

2024 йилда 4600 та янги боғча ташкил этилиб, қўшимча 170 мингдан ортиқ бола ўрни очилди ҳамда болаларни мактабгача таълимга қамров даражаси 76 фоизга етказилди.

Бошланиш 1-бетда

14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

ЖАСОРАТ МАКТАБЛАРИ

Ҳар биримиз садоқатли бўлишимиз, ёшларни ҳам шу руҳда камол топтиришимиз зарур

Мазкур йўналишдаги ишлар самардорлигини ошириш ва фаоллаштириш бугун ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда.

Дарҳақиқат, ватанпарварлик ёшларда фуқаролик бурчи, шахсий масъулият ҳисси, эл-юрт тақдирига дахлдорлик туйғусини, фаол ҳаётий позиция ва қатъий эътиқодини, касбий маҳоратини шакллантирадиган қудратли воситадир.

Давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 15 ноябрдаги "Ўқувчи-ёшларни чақирувга қадар бошлангич тайёрлаш тизимини янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ёшларимизни ҳарбий-ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга хурмат, юксак маънавий-ахлоқий фазилатлар руҳида тарбиялаш, улар онгига тинчлик ва тотувликни кўз қорачиқидек асраб-авайлаш зарурлигини чуқур сингдириш, барча йўналишларда билим ва кўникмаларини ошириш, шунингдек, "Ўзбекистон — 2030" стратегиясида мамлакатимизни ҳар томонлама ривожлантириш бўйича белгиланган кенг қўламли вазифаларни самарали амалга оширишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Эндликда 2025-2026 ўқув йилидан бошлаб умумий ўрта таълим ташкилотларида чақирувга қадар бошлангич тайёрларлик (ЧҚБТ) фани бўйича ўқув фани ва дарсликлари мутлақо янги форма ва услубда яратилади.

да, ҳар чоракда бир марта ҳарбий қисмларда амалий машғулоти олиб борилади. Бундан ташқари, республикадаги ҳар бир туман ва шаҳарда битта умумий ўрта таълим мактаби негизда болаларни кичик ёшдан Ватанга чекиз садоқат руҳида, жисмонан соғлом ва маънавий етук инсонлар қилиб тарбиялашга йўналтирилган "Жасорат мактаблари" ташкил этилади.

— Жасорат мактаблари умумтаълим мактаблари учун ҳарбий-ватанпарварлик йўналишида таянч мактаб этиб белгиланди, — дейди Мактабгача ва мактаб таълими вазири Шайхона Абдураҳмонова. — Уларда математика, ЧҚБТ, тарих, жисмоний тарбия, чет тили, физика фандари чуқурлаштирилган ҳолда ўқитилади.

Шунингдек, "Жасорат мактаблари"га бириктирилган ЧҚБТ раҳбарларига таълим ташкилоти ўқитувчисининг базавий тариф ставкаси билан бирга туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлимлари фуқаро ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш, устама ҳақ, қўшимча тўлов, рағбатлантириш ва моддий ёрдамлар ҳам кўрсатилади.



маданияти ва урф-одатларига чуқур хурматни, ҳалоллик, ватанпарварлик, садоқат, фидокорлик сингари сифатларни, шунингдек, миллий ғурур туйғуларини шакллантириш вазифаси юклатилди.

Таълим ташкилотларида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда юртимиз тарихи ва бой маданияти, буюк аجدодларимиз, энг аввало, соҳибқирон Амир Темурнинг бебаҳо мероси, Ватанимиз озодлиги, эл-юрт тинчлиги йўлида мардлик ва жасорат кўрсатган ватандошларимизнинг

ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА ЁШЛАРНИ ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШДА ЮРТИМИЗ ТАРИХИ ВА БОЙ МАДАНИЯТИ, БУЮК АЖДОДЛАРИМИЗ, ЭНГ АВВАЛО, СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУРНИНГ БЕБАҲО МЕРОСИ, ВАТАНИМИЗ ОЗОДЛИГИ, ЭЛ-ЮРТ ТИНЧЛИГИ ЙЎЛИДА МАРДЛИК ВА ЖАСОРАТ КЎРСАТГАН ВАТАНДОШЛАРИМИЗНИНГ ХАҚРАМОНЛИГИ АСОСИДА ХАЛҚИМИЗГА СОДИК, ҚАТЪИЙ ҲАЁТИЙ ҚАРАШЛАР ВА ФАОЛ ФУҚАРОЛИК ПОЗИЦИЯСИГА ЭГА ЁШЛАРНИ ТАРБИЯЛАШНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАР ЭТИБ БЕЛГИЛАНДИ.

ва ўсирилар ҳарбий-ватанпарварлик ҳаракати раҳбари, полковник Баҳром Зулфқоров. — Олий таълим ташкилотлари ҳарбий таълим факультетларининг "Чақирқача ҳарбий таълим" йўналиши битирувчилари, Қуролли Кучларнинг резервидаги олий маълумотга эга оддий аскар, сержант, шунингдек, офицерлар таркибига мансуб контракт бўйича ҳарбий хизматчилар орасидан ҳам таянч олинади.

Ўзбекистон тарихида илк бор халқор фан олимпиадаларида ўқувчиларимиз 128 та медалини қўлга киритди.

Бундан ташқари, Президентимизнинг тегишли қарори билан Фан олимпиадалари маркази фаолияти йўлга қўйилди.

Бошланган янги йилда бир қанча вазифалар ижросини ўз вақтида ва сифатли таъминлаш учун жамоамиз билан аниқ режалар тўзиб олганмиз.

Баҳорда 250 та мактабда ўтказиладиган PISA — 2025 халқор тадқиқотида 10 мингдан ортиқ ўқувчи иштирок этади.

Мактабларда "Иқтидор", Турон" "Жади́длар нзидан" танловлари бўлиб ўтади.

Донишмандлар "Агар бир йил фаровон яшашни истасангиз, бугундан экин: Ўн йиллик таълимни тиласангиз, дарахт ўтказинг.

монида белгиланган тартибда базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баравари миқдорда бир марталик бошлангич ёрдам пули ва уй-жойларни ижарага олганилик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 баравари миқдорда ҳар ойлик пулли компенсация тўланади.

Бу йўналишда кадрлар тайёрлаш масаласи Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклайди.

Қарорга биноан, мактаблардаги чақирқача қадар бошлангич тайёрларлик фани ўқитувчиси штати Мудофаа вазирлигига ўтказилиб, ЧҚБТ раҳбари лавозимини жорий этилади.

Ёшларни ватанпарварлик, фидоийлик, инсонпарварлик каби ғоялар асосида тарбияловчи бадиий асарлар барча фойдаланувчилар учун қўлай бўлган онлайн платформаларга жойлаштирилади.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимиз янги тараққиёт даврига қадам қўйган бугунги кунда халқимиз, аинқиса, фарзандларимиз онгига юртга дахлдорлик, Ватанга садоқат, ватанпарварлик туйғуларини чуқур сингдириш, бир ёқадан бош чиқариб, ҳам-ҳижатлик, ягона мақсад ва маслак йўлида хизмат қилиш барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.

Лутфулла СУВОНОВ, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

Адолат ва қонун устувор

Бошланчи 1-бетда

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Конституцияси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегияси таллабларига мувофиқ ҳамда БМТнинг устав органлари ва шартнома кўмиталари тавсияларини ҳисобга олган ҳолда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, хусусан, болалар, аёллар, ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш тизимини янада тақомиллаштириш бўйича муҳим тадбирлар амалга оширилди.

— **Ўтган йили айна шу йўналишда қандай қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинди?**

— Бу ҳақда фикр юритганда, аввало, Ўзбекистон Президентининг 2020 йил 22 июндаги фармони билан тасдиқланган Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегиясини амалга ошириш бўйича “йўл харитаси”даги чора-тадбирларнинг бажарилиши миллий марказ томонидан ҳар чорақда мониторинг қилиб



асос солинди. Бундай шахсларнинг одил судловдан фойдаланиши, сайлаш ва сайланиш, референдумда иштирок этиш, шунингдек, таълим олиш ҳуқуқларини таъминлаш учун қўшимча шарт-шароит яратилди.

Тўртинчидан, ўтган йил июнда 2025-2027 йиллар учун БМТ Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши аъзолигига ўтказилган сайловда Ўзбекистон 185 мамлакат томонидан қўллаб-қувватланиб, ЭКОСОСга сайланди. Мамлакатимиз ўз тарихида илк бор ушбу тузилмага аъзо бўлди.

Бешинчидан, 2024 йил 13 августда Ўзбекистон ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеяси бир овоздан “Деградацияга учраган ва қурғоқ ҳудудларда барқарор ўрмонзорларни барпо этиш, дарахт экиш ва уларни тарғиб қилиш — экологик муаммоларга қарши курашнинг самарали ечимини” резолюциясини қабул қилди. Мазкур резолюция Ўзбекистоннинг шаҳар ва қишлоқ ҳудудларини кўкаламзорлаштириш орқали биохилма-хилликни сақлаш ва тиклашга қаратилган “Яшил макон” миллий дастури концепцияси асосида ишлаб чиқилган.

Резолюцияда ўрмонларни барқарор бошқариш ва дарахт ўтказишнинг биологик хилма-хилликни ошириш, иқлим ўзгариши ва ҳаво ифлосланиши оқибатларини юмшатиш ҳамда барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш, жумладан, камбағалликка барҳам бериш ва озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ҳиссаси алоҳида таъкидланган.

БМТнинг Иқлим ўзгариши бўйича конференцияси бутун БМТнинг Иқлим ўзгариши



Янги Ўзбекистон фояси қаёттий воқеликка айланмоқда

борилаётганини қайд этиш лозим. Ўтган даврда “йўл харитаси” 88 фоиз ижро этилган.

2024 йилда Миллий стратегия доирасида 13 та қонун, Президентимизнинг 15 та фармони ва қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 8 та қарори қабул қилинди ҳамда ижрога йўналтирилди.

Хусусан, ўтган йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисидаги, Олий Мажлиснинг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани) тўғрисидаги, Болаларни зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш тўғрисидаги, Оилавий (манший) зўравонликдан ҳимоя қилиш чоралари кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисидаги, Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қонунлар қабул қилинди.

Бундан ташқари, “Болаларни зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун билан жисмоний, унинг ва руҳий зўравонликдан ташқари унинг янги шакллари — ғамхўрлик кўрсатмаслик, эксплуатация, булнинг кабилар болага нисбатан зўравонлик тушунчаси доирасига киритилди.

Давлат болаларни зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш учун тегишли ҳуқуқий, мамурий, ижтимоий, иқтисодий ва бошқа чораларни кўриши, зўравонликдан жабранувчиларни реабилитация қилиши ва ҳуқуқларини тиклаши ҳамда ижтимоий мослаштириш учун зарур бўлган самарали чоралар кўриши белгиланди. Шу билан бирга, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ва Жиноят кодексларининг тегишли моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, болага нисбатан оилавий (манший) зўравонлик қилганлик учун жавобгарлик белгиланди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари “Тадбиркорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармон, “Таъйин ва зўравонликдан жабрланган шахсларга ижтимоий хизматларни кўрсатишни тақомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорни имзолади. Шу билан бирга, Вазирлар Маҳкамасининг “Таъйин ва зўравонликка учраган хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандларига ижтимоий хизматларни кўрсатиш тизимини йўлга қўйиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳам кучга кирди.

Мамлакатимизда 2030 йилгача гендер тенгликка эришиш стратегияси фаол амалга оширилмоқда. Гендер тенглик ва аёллар ҳуқуқларини таъминлаш ишлари кучайтирилиб, Ўзбекистонда хотин-қизларнинг давлат бепул қўллаб-қувватлашуши 35 фоизга етказилди. Янги сайланган Қонунчилик палатаси депутатларининг 32 фоизи, Сенат аъзоларининг 25 фоизини аёллар ташкил этмоқда. Тадбиркор аёллар сафи икки баробар кўпайиб, ўз бизнесини йўлга қўйган аёллар сони 205 мингдан ошди. Жаҳон банки индексига Ўзбекистон гендер тенглик соҳасида энг тез ривожланаётган 5 мамлакат қаторида қайд этилди.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, тўлақонли ҳаёт кечириниши таъминлаш учун мутлақо янги тизимга

мажбуриятларга эга ҳодимлар тўғрисидаги, Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси ҳамда ишлаб чиқариш муҳити тўғрисидаги конвенцияларини ратификация қилди.

— **Ўтган йилда янги Ўзбекистонда амалга оширилган кенг қамровли ишловлар самараси туфайли мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузини юксалтиришга ҳисса қўшган энг муҳим омиларга ҳам мухтасар тўхталиб ўтсангиз.**

— **Биринчидан**, 2024 йил 4 июнда БМТ Бош Ассамблеяси Ўзбекистон ташаббуси асосида “Марказий Осиё давлатларининг гиёҳвандлик билан боғлиқ муаммоларни самарали ҳал этиш ва бартараф этиш

тўғрисидаги доиравий конвенцияси, Киото протоколи ва Париж битими қондаларини амалга ошириш муҳити тўғрисидаги конвенциянинг олий органиди.

— **Ўтган йил 11-22 ноябрь кунлари Озарбайжонда ташкил этилган COP29 конференцияси доирасида Иқлим ўзгариши шароитида болаларнинг соғлиққа бўлган ҳуқуқларини таъминлаш мавзусида параллел тадбир бўлиб ўтди. Ушбу форум Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан Бутунжаҳон Бола ҳуқуқлари кунини ва БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси қабул**

янг қонунлар, айниқса, янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганини олқишлади.

Бу бежиз эмас. Чунки янги таҳрирдаги Конституциямизда ҳеч ким суднинг қарорини ва қонунга зид тарзда уй-жойидан маҳрум этилиши мумкин эмаслиги, уй-жойидан маҳрум этилган мулкдорга эса уй-жойнинг қиймати ҳамда у қўриган зарар ўрни қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда олдиндан ҳамда тенг қийматда қопланиши таъминланишини белгилловчи норма назарда тутилган.

Ўзбекистон БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари ва инсон ҳуқуқлари бўйича махсус маърузачилари билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқда. Миллий марказга 2024 йилда БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши махсус маърузачилари қўтарган масалалар ва яқша тартибдаги муражотлар бўйича 20 та ҳужжат келиб тушди. Мазкур масалалар юзасидан тегишли маълумотнома тайёрланиб, махсус маърузачиларга тақдим этилди.

Ўтган йили инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича БМТнинг устав ва шартномавий органлари ҳамда бошқа механизмларнинг тавсияларини амалга ошириш мақсадида 6 та миллий ҳаракатлар режаси ижроси мониторинг қилинди.

Миллий марказ 2024 йилда халқаро ташкилотларнинг ҳамда ҳамкор хорижий давлатларнинг инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги ҳисоботларида тақдим этилган маълумотларга шарҳлар тайёрлашни ҳам давом эттирди.



учун ягона фронт бўлиб ҳаракат қилиш ва ҳамкорлик қилишга тайёрлиги тўғрисида”ги резолюцияни бир овоздан қабул қилди. Резолюцияда Марказий Осиёда Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш минтақадаги гиёҳвандлик моддалари савдоси ва гиёҳвандликка қарши курашиш билан chambarchас боғлиқлиги таъкидланган. БМТ расмий ҳужжатда Ўзбекистоннинг янги сиёсати натижасида минтақада юз бераётган ижобий ўзгаришларга алоҳида эътибор қaratилган.

— **Иккинчидан**, ўтган йил 7 июнда Женевада бўлиб ўтган Халқаро меҳнат конференциясининг 112-сессиясида Ўзбекистон илк маротаба Европа ҳудудидан энг кўп овоз тўплади ва Халқаро меҳнат ташкилоти маъмурий кенгаши аъзолигига сайланди. Бу ютуқ Ўзбекистоннинг глобал меҳнат сиёсатида, Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан қабул қилинаётган қарорларда, меҳнат муносабатлари тизимини тақомиллаштириш юзасида янги тақлиф ва гоилар ишлаб чиқилишида бевосита фаол иштирок этишига қулай имконият яратди.

— **Учинчидан**, 2024 йил июнда БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессиясида Ўзбекистон ва Хитой томонидан “Халқаро цивилизациялар ўртасидаги мулоқот кунини”ни белгилаш бўйича тақлиф қилинган резолюция бир овоздан маъқулланди. Ушбу резолюцияда Ўзбекистон раҳбариятининг умумий хавфсизлик ва фаровонликни таъминлаш учун ҳамжихатлик руҳини ривожлантириш, амалий ҳамкорликка интилиш, тинчлик ва барқарор фаровонликка эришиш йўлида халқаро ҳамжамият саяё-ҳаракатларини сафарбар этишга қаратилган гоиларни ўз ифодасини топган.

Марказимиз БМТнинг устав органлари ва шартномавий кўмиталари тавсияларини амалга ошириш юзасидан даврий маърузаларни, миллий ҳаракат режалари лойиҳаларини тайёрлаш, Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро шартномалари бажарилиши ҳолатини жойларга чиқиб ўрганишда фуқаролик жамияти институтлари билан бирга ишламоқда.

Хусусан, АКШ Давлат департаментининг “2023 йил учун Инсон ҳуқуқлари бўйича ҳисоботи” ва “Human Rights Watch” халқаро ноҳукумат ташкилотининг 2023 йил учун ҳисоботи бўйича шарҳлар тайёрланди.

— **Инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича халқаро ҳамкорликнинг яна қайси жиҳатларига тўхталишни истардингиз?**

— 2024 йил 13-14 июнь кунлари Самарқандда “Экологик муаммолар: ўзгаришчан дунёда инсон ҳуқуқлари келажаги ва барқарор ечимлар топиш” мавзусида Инсон ҳуқуқлари бўйича IV Самарқанд форуми бўлиб ўтганини таъкидлаш ўринли. Форум БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссарининг Марказий Осиё бўйича минтақавий бюроси, БМТнинг Ўзбекистондаги жамоаси, БМТнинг Тараққиёт дастури, ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси, Ф.Эберт ва К.Аденгауэр жамғармалари кўмағида ташкил этилди.

Анжуманда 200 дан ортиқ халқаро, минтақавий, хорижий ва миллий ташкилот вакиллари, мустақил экспертлар офлайн ҳамда онлайн форматда иштирок этди. Форум якунида “Иқлим ўзгаришлари шароитида инсон ҳуқуқларини глобал ҳимоя қилиш:

барқарор келажак йўлидаги мажбуриятлар ва саяё-ҳаракатлар тўғрисидаги Самарқанд декларацияси” қабул қилинди.

Ўтган йилда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ва Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ) ўртасидаги ҳамкорлик доирасида 7 та тадбир ташкил этилди. Европа кенгаши ҳамкорлик дастурлари бошқармасининг Марказий Осиё учун “Қонун устуворлиги” бўйича HELP дастури доирасида эса ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларига бағишланган ўқув семинари ўтказилди.

Шунингдек, миллий марказ вакиллари Варшава, Женева, Москва, Санкт-Петербург, Бангкок, Нью-Йорк, Боку, Париж, Доха, Страсбург, Жидда, Ар-Риёд, Пекин, Остона шаҳарларида Инсон ҳуқуқлари мавзусига бағишлаб ўтказилган турли форумларда қатнашди.

— **Янги таҳрирдаги Конституциямиз ижросини таъминлаш бўйича инсон ҳуқуқларига оид қонун ижодкорлиги фаолияти ҳақидаги фикрларингизни ҳам билдириб ўтсангиз.**

— Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартлар миллий қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига изчил тағбиқ этилмоқда. 2024 йилда 69 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат ишториздан ўтказилди.

Миллий марказ томонидан 9 та кодексни тақомиллаштириш, шунингдек, 20 дан ортиқ қонун лойиҳаси экспертизадан ўтказилиб, уларни тақомиллаштириш юзасидан тақлифлар билдирилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларига тақлиф ва тавсиялар тайёрланди ҳамда тегишли тартибда тақдим этилди. Шунингдек, қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам ишлаб чиқилди.

— **Ўтган йилда инсон ҳуқуқлари соҳасида давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлик қандай аҳамият касб этди?**

— Миллий марказ 2024 йилда давлат органлари билан халқаро ташкилотларнинг инсон ҳуқуқлари бўйича тавсияларини амалга ошириш бўйича тақдимотлар 6 та миллий ҳаракатлар режаси ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий стратегияни амалга ошириш борасида яқин ҳамкорликда ишлади. Йил давомида биргалликда 10 га яқин тадбир ташкил этилди.

Шунингдек, Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларини бажариш, БМТнинг устав органлари ва шартномавий кўмиталари тавсияларини амалга ошириш юзасидан миллий маърузалар, миллий ҳаракатлар режаларини тайёрлаш, уларнинг ижросини мониторинг қилиш, жойларга чиқиб ўрганиш, инсон ҳуқуқларини тиклаш борасида фуқаролар муражоти билан ишлаш юзасидан тузилган ишчи гуруҳлар фаолияти бевосита масъул давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширилди.

Миллий марказ манфаатдор вазирилик ва идоралар билан ҳамкорликда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро шартномаларни ратификация қилиш юзасидан тақлифларни, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлади. Қонунчилик ҳужжатларини инсон ҳуқуқларини таъминлашга мувофиқлик нуқтани назардан экспертизадан ўтказди.

Марказимиз БМТнинг устав органлари ва шартномавий кўмиталари тавсияларини амалга ошириш юзасидан даврий маърузаларни, миллий ҳаракат режалари лойиҳаларини тайёрлаш, Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро шартномалари бажарилиши ҳолатини жойларга чиқиб ўрганишда фуқаролик жамияти институтлари билан бирга ишламоқда.

Шунингдек, фуқаролик жамияти вакиллари билан БМТнинг устав органлари ва шартномавий кўмиталари тавсиялари амалга оширилишини мониторинг қилиш жараёнида ҳам фаол иштирок этапмиз. Хусусан, 2024 йилда БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси нормалари амалга оширилиши бўйича 2 та, БМТнинг Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт нормалари амалга оширилиши бўйича 1 та, “Инсон ҳуқуқлари”, “Аёллар ҳуқуқлари” ва “Бола ҳуқуқлари” ўқув курсларини ўқитиш сифати бўйича 4 та ҳамда жазони ижро этиш муассасаларида инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоа этилиши бўйича 1 та мониторинг ўтказилди.

БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича устав органлари ва шартномавий кўмиталари Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари бўйича даврий маърузаларини тайёрлашда фуқаролик жамияти институтлари иштирокида фуқаролик жамияти институтлари муқобил маърузалари тайёрланишини олқишлади. Чунки бу инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларнинг бажарилишига доир маълумотларнинг ишончлилик даражасини оширади ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг жамият ҳаётидаги ўрни ортиб бораётганидан далолат беради.

— **Жамиятда ҳуқуқий маърифат ва инсон ҳуқуқлари бўйича маданиятни юксалтириш борасидаги ишларга аниқ нисоллар асосида тўхталиб ўтсангиз.**

— Миллий марказ 2020-2024 йилларда инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим бериш орқали ёшларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтиришга қаратилган Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги жаҳон таълим дастурининг тўртинчи босқичини, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбия тўғрисидаги декларацияси қондаларини амалга оширишда фаол қатнашди. Шу муносабат билан 2024 йилда 20 дан ортиқ малака ошириш курси, 50 дан зиёд семинар-тренинг, 2 та форум, 5 та конференция ҳамда 80 дан ортиқ ахборот-маърифий тадбир ўтказилди.

Йил давомида 45 та халқаро ҳужжат дақтил тилига таржима қилинди ва қайта таҳрир этилиб, 4 та тўплам ҳолида нашр этилди. Бу ўринда “БМТнинг жиноятчилик қарши курашиш ва оқил судловга оид халқаро шартномалари”, “Халқаро меҳнат ташкилотининг асосий шартномалари”, “1949 йил 12 августдаги Женева конвенциялари ва уларга қўшимча протоколлар”, “Хотин-қизларни камситишининг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисидаги конвенция (Ўзбек, қорақалпоқ, инглиз ва рус тилида)” номи тўпламлар ҳақида сўз бормоқда.

Яна бир муҳим натижа: 2024 йил 3 декабрда Тошкентда Инсон ҳуқуқлари уйининг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди. “Инсон ҳуқуқлари уйи” номи остида инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ва миллий ҳужжатлар, илмий тадқиқотлар, шарҳлар ва тахлиллий ҳисоботларнинг замонавий кутубхонаси шакллантирилди ва ривожлантирилмоқда.

Шундан қилиб, 2024 йилда геосиёсий қарама-қаршилик, ҳарбий можаролар авж олишининг салбий оқибатлари ва иқлим ўзгариши таҳдидларига қарамай, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш ҳамда институционал механизмларини тақомиллаштириш бўйича муҳим чора-тадбирлар амалга оширилди. Бинобарин, айна соҳа давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир.

Гулом МИРЗО суҳбатлашди.

2025 йил — Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили

ХУДУДЛАРНИ ОБОД ҚИЛАЁТГАН ҲАРАКАТ

Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистон 2030 йилгача иссиқхонагази чиқарилишини 35 фоиз камайтиришни, қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этиш, шунингдек, қайта тикланадиган энергия улушини камиди 25 фоиз етказишни режалаштирган. Давлатимиз глобал чўлланишга қарши таъсирчан ислохотлар йўлидан борар экан, мавжуд муаммоларни босқичма-босқич ҳал этиш чораларини белгилаб қўйган. 2017 йилда Орол денгизининг қуриган тубида ўрмон плантацияси барпо этиш кампанияси бошланган бўлса, минглаб кўнгили юртдошларимиз меҳнати туфайли 1,7 миллион гектардан ортиқ ҳудудда “яшил қалқон” ҳосил қилинди. Бу саъй-ҳаракатлар ҳозир ҳам давом эттириляпти.

Хайрли ташаббуснинг “қўл-қанотлари”

Қоровулбозор — Бухоро вилоятининг олис туманидир. Сахро бағрида жойлашган бу заминни ёши улуглар “чўлқуварлар тумани” дейди. Турли миллат вакиллари аҳил-иноқ умргузаронлик қилаётган туманда кўплаб сановат қорхоналари, жумладан, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи фаолият юритиб келмоқда.

Яшилликка қалби ошфута тadbиркор Афзал Қўшаев болалигидан ниҳол экишга қизиқади. Дастлаб томорқасини гулистонга айлантирган бу инсон кўп ўтмай, каттароқ кўламда ишлар қилишни истайди. Бундан йигирма йил аввал шу жойларга келиб, чўл ҳудудидан ер олди. Сабр билан меҳнат қилиб, обод этди. Бугун у барпо этган боққа қадам қўйар экансиз, ерга тангадек офтоб тушмаслигидан ҳайратланасиз. Бир пайтлар шу боғ ўрнида қумликлар бўлганига ишонингиз келмайдди. Қаҳрамонимиз барчасига ихлос ва чинакам меҳнат орқали эришган.

Бу ерда қирқ турдан ортиқ дарахт ниҳолларидан ташкари ўн турдаги

шифобахш ўсимлик ва гиёҳларни учратасиз. Аввалига тadbиркор топинамбур, розмарин, лаванда, наъматак каби ўсимликларни шунчаки синов тариқасида эканидан улардан даромад олиш хаёлига ҳам келмаган эди. Кўкка бўй чўзган дарахтлар 1 миллион тупга етган, боғ ҳудудини сайёҳлик масканига айлантириш гоёси пайдо бўлди. Ҳар йили “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси учун шу ердан 500 минг тупдан ортиқ мевали ва манзарали дарахт ниҳолини етиштириб беради.

Афзал Қўшаев шу билан кифояланиб қолгани йўқ. У қум барханларига туташ бошқа жойда — Шофиркон туманидаги “Навбахор” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудига ҳам тажрибасини қўлади. Ўзи туғилиб ўсган жойлар эмаси, бу ерининг пасту баландини, иссиқ-совуғини яхши билади.

Мана етти йилдирки, яхши ният билан кетмон урилган ер эпаккага келиб, обод масканга айланган. Бу ерда етиштириляётган мевали ва манзарали ниҳоллар нафақат Бухорода, балки бошқа вилоятларда ҳам харидордир. Ҳар йили 50-60 минг тупгача

ниҳол сотилаётгани даромад салмоқли эканидан дарак. Ўтган йили декабрда бу ерда ривожланиётган ниҳоллар 200 минг тупдан ортиқни ташкил этди. Уларнинг парвариши билан йигирмадан зиёд ишчи банд.

Ниҳоллар олингач, ўрнига мевали дарахтлар данаги экиб чиқилляпти ва униб-ўсиши учун зарур чоралар қўриляпти. Ўшбу хайрли ташаббус туманининг Мингчирор, Хўжа Ориф, Навбахор маҳаллаларида яшовчи аҳоли орасида кундан кун оммалашмоқда. Одамлар бу иши билан лойиҳага “қўл-қанот” бўлиш орқали яхшигина даромад топмоқда.

Ниҳоллар захираси ҳам алоҳида масала

2024 йилда умуммиллий лойиҳа доирасида мамлакат бўйича 80 миллион туп, вилоят бўйича эса 6 миллион тупдан зиёд дарахт ниҳоли ўтказиш режа қилинганди. Кўпнинг саъй-ҳаракати ва уюшқонлиги сабабли бу кўрсаткич ортиги билан адо этилди. Ниҳол ўтказиш тadbирларида ви-

лоят шароитига мос — чидамли, бошқаларига нисбатан кўпроқ кислород чиқарувчи, чанг ва шамолдан тўсувчи ҳамда серёса дарахт ниҳолларига эътибор қаратилди. Жумладан, Когон туманида 480 дан ортиқ фермер хўжалиги бор. Хўжаликлар аъзолари дала бўйига декабрда 1 миллиондан кўпроқ ниҳол қадади.

Фермер Ўткир Файзиев 2023 йилда 1 гектар майдонда тут уруғидан кўчат етиштиришни йўлга қўйган эди. Бир йил ўтиб, ниҳоллар сони 3 миллиондан ошиб кетди. Фермер қаерда бўш жой бўлса, ўша ерга ниҳол қадади. Бугун у меҳнати ҳосилдан баҳраманд бўлиб турибди. Айтишича, тут ниҳолларининг ўзидан 3 миллиард сўмдан ортиқ даромад оلسа бўларкан.

Бухорода мевали ва манзарали ниҳоллар захирасини яратишда елкадош бўлаётган фермерлар ва аҳоли вакиллари сафи кенгайиб бораётгани қувонарли.

Бундай майдонлар кенгаймоқда

М-37 “Самарқанд — Бухоро — Туркманбоши” халқаро йўлининг Жондор ва Қорақўл туманларидан ўтувчи қисмида ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари бажарилди. Йўлнинг икки ёқаси (жами 50 гектар)да тут, арча, гужум ва саксувал сингари дарахт ҳамда бута кўчатлари қадалиб, “яшил белбоғ” яратилди.

Бухоро туманидаги “Боғидашт” маҳалла фуқаролар йиғини ва Бухоро шахрига ёндош ҳудудда “Янги Ўзбекистон” боғи барпо этилгани ҳам муҳим воқеалардан бўлди. Фойдаланилмай келинаётган бу ерни илгари шаҳардан тунука тўсиқлар ажратиб турарди. Энди 35 гектар ерга ақация, япон сакураси, чинни гужум, арча, садақайрағоч, каштан,



каталпа каби манзарали дарахт ниҳоллари ўтказилиб, бу жой обод масканга айлантирилди.

Йўлсозлар ҳам бу жараёндан четда қолгани йўқ. Кузги мавсумда вилоятнинг шаҳар ва туманларидаги йўл ёқасида 500 мингга яқин гужум, тут, терак, ўрик, гилос сингари мевали ва манзарали ниҳоллар ўтказилди. Таркибда йигирмага яқин йўл қорхонаси бўлган Бухоро вилоят автомобиль йўллар бошқармаси ишчи-хизматчилари А-380 “Ғузор — Бухоро — Нукус — Бейнеу” автомобиль йўли (Қоровулбозор туманидан ўтувчи қисми) ёқасида декабрда 50 мингга яқин дарахт ниҳоли ва бута кўчати ўтказди. Энди бу ниҳоллар униб-ўсиши учун зарур чоралар қўрилмоқда. Айниқса, чўл ҳудудидagi ниҳоллар томчилатиб сўғориш йўли билан парвариш қилинмоқда.

ЎШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



Ҳамзабек ТУРДИЕВ,
журналист

Орамиздаги одамлар

Нуробод туманининг бир томони Қизилқум чўли билан, бир томони Муборак чўли ва бошқа томони Қарноб чўли билан туташ ҳудуд. Ёзи жазирамаю киши изғирин, муттасил шамол эсиб турадиган бу манзилда бирор гиёҳ ундириш жуда маҳол юмуш.

Ана шундай шароитда ўз ташаббуси билан яшил ҳудуд яратаётган чорвадор ҳақда эшитиб, у ҳақда мақола тайёрлаш мақсадида ўша ерга боришга қарор қилдик. Эътиборимизни тортган жиҳати, чорвадор йигит ўз кучи билан қарийб беш юз гектар майдонга саксувал экибди. Ҳозир ҳам шу ишларини давом эттиряётган экан.

Тан олиш керак, баъзан эрта қўкдам ҳовлимизга иккита чўп суқиб қўйишга ҳафсага қўлмай, кейинги йилга қолдирамиз. У бўлса...

Сафаримиз кузнинг сўнги кунларига тўғри келди. Майин ёмғир ёғиб турар, махсус машинамиз эски бўлса-да, лойли ўнқир-чўнқир йўллардан, қир ёнбағирларидан илдам кетиб борарди. Баъзан текис, баъзан нотекис йўллар, сув йиғилаётган сойликлардан кечиб ўтардик. Йўлнинг эса охири кўринадимиз.

Тошли сой йўлларидан, қўлмақлардан чайқалиб-чайқалиб кетаётган машинадан хавотирланиб, “Бирор жойда ботиб қолмайликми, қайтишимизга сел тоқшини келиб қолмасмикан?” деб сўрайман хавотирли оҳангда ҳайдовчидан.

“Сел келиб қолса, бир кун қоларсиз меҳмон бўлиб, чўпон отарлари кенг”, дейди ҳазиломуз табассум билан ҳайдовчи. Шу тоб кўз олдидан чўлнинг ўртасидаги чорвадорлар бошпанасида, атрофда бўри, шоқоллар изғиб юрадиган гарибона қўналғада тонг оттириш келди...

Ҳаёлимда Жек Лондоннинг “Бир кунлик қўналға” асари воқеалари гавдаланди. Тўғри, бу ерларда тун Юкон дарёси бўйидагидек изғиринли, у қадар ҳаётли бўлишга эришгани йўқ. У ерда бир кеча минг кечадек туюлиши аниқ. Ҳаёлимда кетаётган эдик, сал нарироқда саксувалларни паналаб кетаётган бир нарсани кўридик. “Ана тулки”, деди ҳамроҳим ўша томонни кўрсатиб. Йўлимизда унганча юмронқозигу эчкимарлардан бошқа жонивор кўринмаётган эди.

“Бу атрофда бўрилар бўлмайдими? Чўпонларда милтиқ борми, бўрилардан қандай ҳимояланади?” сўрайман ҳайдовчи акадан.



Чўлдаги “ЯШИЛ ОРОЛ”

“Бу жойларда тулки, шоқоллар кўп, бўри фақат қалин қор ёққан пайтлари бўлиши мумкин. Қайтишимизда кечга қолмак, балки шоқолларни ҳам кўрсатарман”, деди ҳамроҳим жиғиллаб ва бу гап мезга қандай таъсир қилишини зимдан кузатиб.

“Чўл маликаси”

Биз йўлда давом этардик, машина ойна-сингача сачраётган лойга бепарво ҳамроҳим машинани хотиржам бошқарар, мени ўша олис ҳудудга олиб боришни, чўпонларнинг чин ҳаёти билан таништиришга астойдил киришган эди. Қирларда кузги иссиқдан қайта ниш урган шувоқлар, дўмпайган саксуваллар ва яна қанақадир ўсимликлар учрарди. Шунда биламиз қирлар устидан бир текис шугдор изи ва унда кўклаган саксувалларга кўзимиз тушди.

“Чўл маликаси” дея таърифланган саксувал — чўлнинг нажот дарахти. Курғоқчиликка мослашган бу наботот намунаси бийдай саҳрода биохилма-хилликни сақлаб-таъминлаб беради. Гарчи биламиз ўсмас-да, тарвақайлаб кетадиган шох-шаббалари чўл ўсимликлари ривожланишида, жониворларнинг чанг-тўзондан ҳимояланишида паноҳ вазифини ўтайди.

Республикамизнинг ярмидан кўпроги чўллардан иборат. Ўшбу чўл ва ялловларнинг эса 40 фоизиди турли даражадаги яйловлар деградацияси юзага келган ва уларнинг ўртача ҳосилдорлиги 20-30 фоиз камайибди. Чўлдаги табиий яйловларни тубдан яхшилашнинг асосий воситаларидан бири эса табиий ёввойи

ҳолда ўсадиган саксувалдир. У чўлнинг асосий дарахти, шу билан бирга, чўл ҳудудларда кум бўронларини тўхтатувчи энг афзал ўсимликлардан бири бўлиб, чўл ва ярим чўл ҳудудларининг экологик ҳамда меллиоратив ҳолатини яхшилайди. Яратилган саксувалзорлар яқин атрофдаги яйлов ҳудудларининг микроклимини яхшилайди, маҳсулдорлигини оширади ва чорва молларини кучли шамол, чанг, қишки қор бўронларидан ҳимоя қилиш билан бирга қорақўл қўйлари ва туяларнинг озуқа манбаи ҳисобланади. Қаҳрамонимиз ҳам мана шуларни мақсад қилиб, чўлда “яшил қалқон” бунёд этаётган бўлса, не ажаб.

Маълумотларга кўра, 7 ёшли саксувалзорда шамол тезлиги бутунлай тўхтайдди. Бир туп саксувал ўсимлиги тўрт тонна кўчирки қумни тўхтата олади. 1 гектар саксувалзор йил давомида 1 минг 135 кило карбонат ангидрид газини ютиб, 835 кило кислород ажратади. Бу эса ҳаво таркибини яхшилайди, атроф-муҳит ифлосланишига чек қўйлади.

Ёмғир ёгса, чўпон уйқусида ҳам кулади

Йўлда кетарканмиз, ора-чорда қўй-қўзилар кўринадимиз. Хайрон қолармики, улар ҳеч бир қаровчисиз эмин-эркин ўтлаб юрарди. Ниҳоят, яна бир тепалик ошганимиздан сўнг мўнгога кўзимиз тушди. У бизга отарлар манзилини кўрсатди.

Сал нарироқда йўқлаб келаётганимиз — чорвадор Ғулум Алматов бизни қарши олди ва яқин келиб, “Хуш келибсизлар,

қадамларингиз хайрли экан, барака келтирдингиз”, дея сўраса бошлади.

“Ўзимиз билан ёмғир олиб келдик, бу киши меҳмон”, деб таништириди ҳайдовчи акамиз. Улар ёмғир ҳақида қандайдир тўлқинланиб гапиргани эътиборимни тортди. Яйловларни яёв кезарканмиз, чорвадор акамиз камтарона сўз бошлади.

— Чўпонларни йўқлаш учун энг ажойиб вақт — ёмғир ёғаётган пайт. Биз чорвадорларда “Ёмғир ёгса, чўпон уйқусида ҳам кулиб ухлайди”, деган гап бор. Ишонсангиз, ниҳолларимиз доим кўкка қадалган. Осмондан барака ёмғири тушаркани деб кутамиз. Ёмғир ёгса, даштлар кўклайди. Чорва тўқ бўлади. Ризқимиз шу об-ҳавога, инижик табиятга боғлиқ. Шунинг учун чўпонникига ёмғир пайти борган инсон энг азиз меҳмон ҳисобланади, — дейди мезбон.

Президентимиз ташаббуси бизга мадад бўлди

Йўлда биз кўрган саксуваллардан қилганин “яшил қалқон”га ёндош ҳудудларда иккита трактор ишлаётган, беш-олти чоғли киши эса унинг ортидан ерга уруғ сочар, иш жуда қизгин бетаётган экан.

— Хитойлик киши ёндош ўзи чўлни обод қилганини кўрдим. Нега биз ундай олмаемиз, деб ака-укалар ҳаракатга тушдик. Президентимизнинг яшил макон яратиш бўйича ташаббуслари бизга мадад бўлди. Ўзимиз униб-ўсган шу чўлни обод қилишни, яшил белбоғ яратишни мақсад қилдик. 500 гектар ерга ўрмон хўжаликларидан саксувал уруғи

олиб келиб, аввал тракторда ерни ҳайдаб, кўпчилик ҳаракат қилиб, бир ой давомида экиб бўлдик. Ниятимиз хосил экан, баҳор серёгин келди. 90 фоиз уруғ кўкарди, ҳозир саксувал орасига каврак экаяпмиз, — дейди Ғулум ака.

“Чорва ортидан бир неча ҳафталаб пиеда юрганмиз”

Отарлар атрофида ем-ҳашак ғарамлари худди Миср пирамидалари шаклида биламиз қилиб тахлаб қўйилган экан.

— Чорва қишлоғига ҳозирлик кўриб қўйдик. Хашак, емишдан кўнгли тўқ, — дейди чўпон. — Қўйлари кунига икки марта ўтлашга ҳайдаймиз. Кундуз бир, кечаси бир.

Машинадан тушганимдан буён ёмғирдан жунжикиб пана излаганимга ҳикоят тортдим. Ахир чўпонлар бир кетишда шу ҳавода беш-олти соатлаб кетар экан-да.

— 2022 йил баҳори қуруқ келиб, қўйлари Зомин томонга ҳайдаб қайтдик. Пиеда йўл юриб, 20 кун деганда отарларимизга етиб келганимиз. Совуқ, жазирама деган нарсалар биз, чўпонлар учун иккиламчи. Чорва бир кун жойида туриб қолса, таъсири сезилади, — дейди чорвадор. — Ҳа, ўшундан отамдан чўпон тағини олганман. Шунда бу касбни ўзимга тақдир қилганим. Ота-боболаримиз шу касбдан кун кечирган. Биз, ака-укалар ҳам чўпонликдан оила боқапмиз.

Отарларни кўздан кечирарканмиз, чорва тўқ, қорақўл қўйлари териси жудаям бежирим эди.

— Чорва наслини яхшилаб туриш учун қўшни вилоятлардан зотли қўйлар олиб келиб тураемиз. Улар биздан олиб кетади. Бир пайтлар қорақўл тери олишда турли усуллардан фойдаланилган, ўшанда сони кўпу сифати пасайиб кетган. Шу сабаб насл масаласида янгилаштириш қилиб туришимиз тақозо этилади, — дейди Ғулум ака. — Кўзичоқларнинг 90 фоизини ўстиришга қолдирамиз.

Теварак-атрофини, чорвани кўздан кечириб, чўпон уйи ёнига келдик. Уй атрофидаги катта-катта бўрибосарлар бизга ёттираб қараб, сал безовталанди-ю, салдан кейин кўнликдими, индамай қолди.

Чўпоннинг уйи мен тасаввур этгандек ғарибона эмас экан. Ҳартугул акамиз “Kobalt” автомобили турибди.

Сухбат асосида чўпон акамиз қўналғасига бир пиёла чойга таклиф этса-да, қайтишга чоғландик. Бахтимизга ёмғир шашти сал пасайган эди. Фақат орта қайтадиган йўлимиз хавфсиз бўлсин-да. Йўқса... Тавakkал қилиб йўлга чиқдик. Келишимизда сал ғашимизни келтирган ёмғир қайтар чоғи ўзгача туюлди. Машина ойна-сига уриляётган барака томчилари чўлдаги беҳисоб ҳайвонот ва наботот оламига ҳаёт бахш этиши қалбимизга чексиз таскин бағишларди.

Шухрат НОРМУРОДОВ,
журналист



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI HUZURIDAGI IJTIMOYIY HIMOYA MILLIY AGENTLIGI



Наим ОБЛОМУРОДОВ, Тошкент давлат иқтисодий университети профессори, тарих фанлари доктори

Бошланиши 1-бетда

Ижтимоий давлатнинг ҳаётий асоси

Ҳар бир кўнгли ўқис инсон ҳаётига қувонч олиб кириш маънавий, ахлоқий қадриятларимиз, тарихий аъёнларимиз, миллий руҳиятимиз асосидир. Жаҳон тажрибаси, ривожланган мамлакатлар эришган ютуқлар замирида ҳам камбағалликни қисқартириш, муҳтожларга ёрдам кўрсатиш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш юқори ўринда туради.

“Инсон қадрини учун” эзгу ғояси атрофида биришиб, демократик ва эркин янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида собиққадамлик билан амалга ошириладиган кенг қамровли ва жадал ислохотлар халқимиз томонидан қўллаб-қувватланаётгани ҳам бу ҳаётбахш савъ-ҳаракатлар самарасидир.

Дунё амалиётида ижтимоий давлат мақомига эга мамлакатлар иқтисодий жиҳатдан юқори даражада ривожланган. Давлатнинг бошқарув тизими ижтимоий йўналтирилган, фуқаролик жамияти ҳар томонлама шакланган, турли ижтимоий дастурларни амалиётга жорий этиш тажрибаси тизимлаштирилган. Шу билан бирга, мазкур мамлакатлар ҳар бир фуқаросини муносиб турмуш шaroити билан таъминлаш, яшаш учун тенг имкониятлар яратиш ҳамда фуқароларни олдидан қўллаб-қувватлаш маъносида ўз зиммасига олади. Ижтимоий ҳимоя тизими самарали йўлга қўйишга ривожланган давлатларда ҳам тез ва осон эришилмаган. Чунки бу йўналиш тегишли вазирлик ва идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш, аввало, жамиятдаги муҳитни, мураккаб муносабатларни ўзгартириш, аниқ ва қатъий тизимга солишни тақозо этади.

Инсон капитали — адолатли жамият пойдевори

Соҳибқирон Амир Темури муайян қонун-қоидаларни ишлаб чиқиб, давлатни бошқаришда улардан фойдаланди. У тузган қонун-қоидаларда жамиятдаги мавжуд барча табақа ва тоифаларнинг қизиқиш ва манфаатларини инобатга олган эди. Жамиятдаги ижтимоий муносабатлар барқарор бўлишида бу жиҳат муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги кунда Амир Темури бундай ёзда: “Салтанатим ишларини қонун-қонда ва интизомга солиб, салтанатим мартабасига зебу зийнат бердим. Салтанатимни ўн икки тоифага бўлиб, уларга таянган ҳолда иш юргиздим. Салтанатим қонун-қоидаларини ҳам шу ўн икки тоифага боғлаб туздим. Бу ўн икки тоифани салтанатим фалқининг ўн икки буржи ва давлатим қорхонасининг ўн икки ойи деб ҳисобладим”.

Мана шу тоифалар таркибига Амир Темури давлатида яшаган аҳолининг деярли барча қатлами киритилган эди. Ижтимоий муносабатлар ҳам ушбу фаолиятдан келиб чиққан. Албатта, бунинг учун ўша ҳукмрон табақа вакилларида ва ҳукмдорларда нафсини ва ғазабини тия билиш, узқони кўра олган ҳолда сиёсат юритиш, ҳаммага адолатли бўлиш, ақл-идрок, оғир-вазминлик билан иш кўриш каби қатор юксак фазилатлар бўлиши шарт эди.

Замонавий илмий манбаларда кенг тарқалган талқинга биноан ижтимоий давлат, энг аввало, ижтимоий адолат, фуқароларнинг фаровонлиги, ижтимоий ҳимоялангани хусусида ғамхўрлик қилади. Бундай давлат аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари: ишсизлар, меҳнат қобилиятини

“Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳокимликлар билан бирга бу йил ҳар бир маҳаллани тўлиқ хатловдан ўтказиб, “камбағал оилалар портрети”ни ишлаб чиқади. Камбағал оила бўйича индивидуал дастур бўлади. Иқтисодий комплекс оилаларни камбағалликдан олиб чиқиш билан шугулланади. Бунда энг катта масъулият туман ҳокимлари ва сектор раҳбарлари зиммасида бўлади.”

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ — ИНСОНГА ЭЪТИБОРНИНГ ОЛИЙ НАМУНАСИ

йўқотганлар, боқувчисидан маҳрум бўлганлар, ногиронлиги бор инсонлар, болалар, кексаларни ижтимоий ҳимоялаш билан узвий сиёсат юритади. Ижтимоий ёрдамга муҳтожлар саломатлиги, ёши, даромад олиш имконияти чеклангани туфайли ўзгалар кўмагига муҳтож шахслар ҳамда оилалар бўлиб, улар ижтимоий ёрдамнинг бир ёки бир неча туридан фойдаланишга ҳақли.

Бугун юртимизда инсон омилига эътибор олий қадрият даражасига кўтарилди. Президентимизнинг “Одамлар эртга эмас, олис келажакда эмас, бугун яхши яшаши керак” деган тамойилни илгари суриши ва бунинг учун сиёсатимизнинг устувор йўналишига айлантириши ҳам айнан шу мазмун-моҳият мужассам. Хусусан, мамлакатимизда илк бор пенсия ва ижтимоий нафақалар миқдори минимал истеъмол харажатларидан кам бўлмаган даражага олиб чиқилди.

5 миллиондан 7 миллион сўмгача олувчилар эса 3 баробар кўпайди. Булар натижасида камбағаллик даражаси йилига ўртача 3 фоиз камайиб борапти. Президентимиз таъкидлаганидек, камбағалликни фақат пул тарқатиш, нафақа тўлаш билан ҳал қилиб бўлмайди. Бунинг учун камбағал оила аъзоларини ўқитиш, касба ўргатиш ва иш билан таъминлаш муҳим.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳокимликлар билан бирга бу йил ҳар бир маҳаллани тўлиқ хатловдан ўтказиб, “камбағал оилалар портрети”ни ишлаб чиқади. Камбағал оила бўйича индивидуал дастур бўлади. Иқтисодий комплекс оилаларни камбағалликдан олиб чиқиш билан шугулланади. Бунда энг катта масъулият туман ҳокимлари ва сектор раҳбарлари зиммасида бўлади.

Адолатли тақсимот

Янги таҳрирдаги Конституциямизда меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори инсоннинг муносиб турмуш даражасини таъминлаш зарурати ҳисобга олинган ҳолда белгиланиши, ҳар ким қариганда, меҳнат қобилиятини йўқотганда, ишсизликда, шунингдек, боқувчисини йўқотганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот ҳуқуқига эга экани, қонунда белгиланган пенсиялар, нафақалар ва бошқа турдаги ижтимоий ёрдамнинг миқдори расман белгиланган энг кам истеъмол харажатларидан оз бўлиши мумкин эмаслиги мустақамлаб кўйилди.



“УЧ ОЙ ОЛДИН ВИЛОЯТ ВА ТУМАНДАГИ 14 МИНГ РАХБАР 75 МИНГ КАМБАҒАЛ ОИЛАГА БИРИКТИРИЛИБ, УЛАР БИЛАН ИНДИВИДУАЛ ИШЛАШ ЙЎЛГА КЎЙИЛДИ. НАТИЖАДА БУ ОИЛАЛАРДАГИ 17 МИНГ ОДАМ ДОИМИЙ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИЛДИ, ТАДБИРКОРЛИК ВА ТОМОРҚА ОРҚАЛИ 14 МИНГ КИШИНИНГ ДАРОМАДИ ОШИРИЛДИ. 30 МИНГ БОЛА БОҒЧА, ТЎТАРАК ВА КАСБА ҲАҚИТИШ БИЛАН КАМРАБ ОЛИНДИ, 45 МИНГ МУҲТОЖ ОДАМГА ТИББИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИЛДИ.”

Барча давлат идоралари фаолиятига жорий этилган халқ билан мулоқот тизими ижтимоий ҳимоя билан боғлиқ қўллаб-қувватлаш йўналиши қолганини кўрсатди. Мисол учун, кам таъминланган оилаларга нафақа белгилашда аниқ мезонлар йўқлиги, ажратилган маблағнинг реал эҳтиёжга нисбатан камлиги каби муаммолар ижтимоий адолатга эришиш имконини бермаётгани.

Қайси оила қандай асосга кўра нафақа олиши керак, деган долзарб саволга қонқарли жавоб топиш мушкул бўлиб қолган. Шундай ҳолатлар кезатилганки, айрим оилалар уйда телевизори ёки музлаткичи борлиги учун нафақа ололмаган. Давлат бюджетидан ажратилган маблағнинг айнан муҳтож фуқароларга етиб бориши, нафақа миқдори энг зарур ҳаётий эҳтиёжларни қаноатлантиришга етарли бўлиши жуда муҳим бўлиб, очиги, бу борада ҳам камчиликлар оз эмасди.

Яқин йилларгача жамиятимизда имконияти чекланган кишиларга давлат идоралари, давлат хизматчиларининг муносабати аянчи ҳолатда эди, десак адолатлик бўлади. Давлатимиз раҳбарининг ғамхўрлиги, эҳтиёжманд оилалардаги муҳитни, кайфиятни яхши билиши натижасида ижтимоий ҳимоя билан боғлиқ масалалар бўйича ҳам бутунлай янги тизим яратилди. Эсласак, қиёсасак, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги ўзгаришлар, янгиланишлар нафақат қарорлар ва дастурларда, балки оилалар турмушида акс этатганига амин бўламиз.

Хусусан, кам таъминланган оилаларга нафақа белгилаш асослари аниқ қилиб

кўйилди. “Имконияти чекланган кишилар” деган тушунча давлат ва жамиятнинг ногиронларга нисбатан тор, бир ёқлама муносабатини ифодалаб келган бўлса, янги ислохотлар даврида, аввало, қонунчилик ўзгартириш, “ногиронлиги бўлган шахслар” деган тушунча ислохотга киритилди.

Шу асосда давлат ва жамият ногиронларга имконияти чекланганлар деб эмас, балки шахс сифатида муносабатда бўлишга ўтди. Бу муносабат унинг ҳуқуқлари тан олингани ва рўёбга чиқиш учун имконият яратилаётганини аниқлатади.

Илгари муҳтож оилалар ва фуқароларнинг катта қисмига турли сабаб ва баҳоналар билан нафақа тайинламаслик ҳолатлари кузатилган. Тўғриси, маблағлар ҳам камлик қилган бўлса, кейинги йилларда маблағ миқдори бир неча баробар оширилди. Ижтимоий ҳодимлар уйма-уй юриб, шу йил реестрда бўлмаган яна 95 миң муҳтож одамга ёрдам кўрсатди. 51 миң кишига ногиронлик белгиладилар, 26 миң нафарга протез олди. Ётиб қолган 4 миң ёлғиз кекса аниқланиб, уларга уйининг ўзида парварिश ташкил этилди. Ногиронлиги бор 5 миң бола боғча-мактабга жойлаштирилди. Бундай манзилли ишлар туфайли Халқ қабулхоналари ва ҳокимликларга ижтимоий хизмат ва ёрдам бўйича мурожаатлар 35 фоиз камайди.

Уч ой олдин вилоят ва тумандаги 14 миң раҳбар 75 миң камбағал оилаларга бириктирилиб, улар билан индивидуал ишлаш йўлга қўйилди. Натيجада бу оилалардаги 17 миң одам доимий ишга жойлаштирилди, тадбиркорлик ва томорқа орқали 14 миң кишининг даромади оширилди. 30 миң бола боғча, тўғарак ва касба ўқитиш билан камраб олинди, 45 миң муҳтож одамга тиббий ёрдам кўрсатилди.

102 та ижтимоий хизмат маҳалла даражасига туширилди. Масалан, олдин одамлар протез учун ҳар хил комиссиялар ва поликлиникада 2 ой сарсон бўлган бўлса, ҳозир бу масала 2 ҳафтада маҳаллада ҳал этилмоқда. Шунинг ўзидан 100 миң одамнинг оғирингил бўлди. Одамлар протезини 95 та ишлаб чиқарувчи орасидан электрон тизимда ўзи танлаётган, рақобат ва сифат ҳам яшиланди. Ногиронлиги бор болаларга қараб туриш хизмати йўлга қўйилди, мурожаатлар маҳаллада қабул қилинапти. Бу 700 ота-онанинг ишлашига шароит яратди.

Камбағалликдан фаровонлик сари дадил қадам

Тарихан қисқа муддатда, атиги тўрт йилда тизимли чора-тадбирлар ўзининг самарасини бериб, уч миллиондан зиёд ватандошимизнинг турмуш шaroити яхшиланди. Жаҳон банки ўтган йил май ойида эълон қилган “Ўзбекистоннинг камбағалликни қисқартириш йўли: халқаро таққослаш дастури хулосалари” ҳисоботида Ўзбекистон бу соҳада энг юқори натижага эришган мамлакатлардан бири экани қайд этилган ҳам бежиз эмас.

Жаҳон банки экспертлари ўрганишлар асосида 2021-2023 йилларда мамлакатимизнинг қишлоқ жойларида 1,2 миллион (шаҳарларда эса 400 миң) киши камбағалликдан чиқарилганини қайд этди. Юртимиз бўйлаб хусусий мактаблар сони 2018 йилдаги 30 тадан 2023 йилга келиб 350 тагача

кўпайган. Бу муайян тўлов эвазига сифатли таълимни кафолатловчи мактабларга аҳолининг талаби, шунга яраша моддий имконияти ҳам охиб бораётганини далиллайди.

Статистика агентлиги маълумотларига кўра, туризм мақсадларида хорижга чиққан фуқаролар сони 2016 йилдаги 295 миң кишидан 2023 йилда 661 миң кишига (ўсish — 2,2 баробар), туризм хизматлари импорти 340 миллион доллардан 1,3 миллиард долларга етган.

Камбағалликка қарши курашиш БМТ Барқарор ривожланиш мақсадларининг етакчи устувор йўналишидир. Бунда биринчи мақсад 2030 йилга бориб дунё бўйича камбағалликнинг барча кўринишларига барҳам беришдан иборат. Бу жараёнда камбағалликка олиб келадиган сабабларни аниқлаш, уларнинг таъсирини баҳолаш ва ҳар бир мамлакатда уларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни қўллаш муҳим. БМТ ҳисоботларида 2030 йилга бориб ўта қашшоқликда яшаётганлар сони жаҳонда 600 миллионга етиши, дунё аҳолисининг қарийб 7 фоизи камбағаллик чегарасидан паст даражада ҳаёт кечириши прогноз қилинмоқда. Бугун инсониятни танг вазиятга соладиган глобал муаммолар, айрим давлатлар ўртасидаги зиддиятлар геосийсий курашлар, иқтисодий инқирозлар бу вавотирда жон борлигини кўрсатади.

Шундай мураккаб вазиятда Ўзбекистоннинг инсонпарварлик ва халқпарварлик билан йўғрилган ривожланиш стратегияси инсон манфаатларига йўналтириладигани барчамизни мамнун қилади, зиммамизга катта масъулият юклайди.

Ижтимоий соҳа, айниқса, таълимга ажратилаётган маблағ миқдори янада оширилиши мақсадга мувофиқ. Айниқса, чекка қишлоқ ҳудудларида мактабгача таълим ташкилотлари ва умумий ўрта таълим мактабларининг моддий-техник ҳолатини янада яхшилаш, пойтахт ва шаҳарлардан замонавий методлар асосида таълим берадиган педагогларни кўпроқ жалб қилиш самара беради. Чунки сифатли таълимсиз, етуқ кадрларсиз буюк келажакни тасаввур этиб бўлмайди. Шунингдек, соғлиқни сақлаш соҳасида кадрлар танқислиги муаммоси ҳам аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишга тасир кўрсатмоқда. Ушбу йўналишда ҳам давлатнинг ижтимоий кўмагига жиддий зарурат туғилмоқда.

Ижтимоий ҳимоя давлатимиз томонидан юритилаётган ижтимоий сиёсатнинг ҳам муҳим ва устувор йўналишларидан бўлгани сабабли ҳуқуқий асослари ушбу устуворликка тўла мос бўлиши замон талабидир. Табиийки, халқимизнинг ана шундай интилиши ва орзу-ниятларини рўёбга чиқариш, ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя этиш, кафолатли даромад манбаи, тиббий хизмат ва уй-жой, сифатли таълим билан таъминлаш, камбағалликни қисқартириш ва эҳтиёжманд аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш борасидаги ислохотлар янада қатъийлашадилар. Шунингдек, юртимиз тараққиётини янги босқичга кўтаришга муҳтожам пойдевор бўлади.

Ўзбекистоннинг эркинлик, имкониятлар тенглиги, адолат, бирдамлик, ижтимоий ҳимоя ва масъулият принциплари ҳукмронлик қиладиган, Конституция ва қонунларнинг устуворлиги сўзсиз таъминланган, инсонларининг кескин табақаланишига йўл қўйилмайдиган ва аҳолининг барча қатламлари учун муносиб ҳаёт шaroити яратилган, кучли “ҳуқуқий-ижтимоий давлат” сифатида ривожланган давлатлар қаторига қўшилиши йўлида хизмат қилиш барчамизнинг асосий мақсадимизга айлиниши зарур.



